

Ma'rifati

معرفت
MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 йил 15 АВГУСТ, ШАНБА

№ 69 (5865).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

СЕНТЯБРЬ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

ҚАШҚАДАРЕ. Қарши район маорифчилари 1992-93 ўқув йилига барча мактабларни тахт қилиб қўйдилар. Мактаблар таъмирини яхшироқ қилишга эришишга ҳар қачондан эрта ва пухта тайёргарлик қўриган ҳолда киришди. Мазкур масала район ҳокимлигинда халқ таълими кенгашида муҳокама қилиниб, аниқ тадбирлар белгиланди. Бу эса ўз навбатида мактаблар таъмирини сифатли, барвақт тугаллаш имконини берди. 54 та умумий таълим мактабидан 7 таси капитал, 47 таси жорий таъмирдан чиқарилди.

Мактабларни янги ўқув йилига ҳозирлашда янги бино ва қўшимча хоналар қурилишига катта аҳамият берилди. Давлат бюджет хисобидан 5-мактабга 420 ўринли, 27-мактабга 620 ўринли, 25-мактабга 420 ўринли янги мактаб биноси, 3, 32, 39, 52-мактабларда хўжаликлар хисобидан қўшимча хоналар қурилиб, сифатли таъмирдан чиқарилди.

Барча мактаблардаги 18557 та парта, 1034 та стол, 1536 та стул, 1034 доска ва бошқа инвентарлар қисқа вақт ичида таъмирланди. 21 охсона, 36 буфет, 11 та тиш данолаш хонаси, 25 та медицина хонаси зарур ашёлар билан жиҳозлаб қўйилди.

Район маорифчилари ўқитишни кабинет тизимига кўчириш масаласига алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Янги ўқув йилидан мактабларда 554 та фан кабинети ишлайди, 64 та футбол, 46 та волейбол, 40 та баскетбол майдончалари, ўн бир йиллик мактаблар учун «тир» ҳам тахт қилиб қўйилди.

Б. УМИРОВ.



Янги ўқув йили олдидан жумҳуриятимизнинг барча район ва шаҳарларида ўқувчилар учун мактаб бозори фаоллият кўрсата бошлади. СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳрида ташкил этилган мактаб бозоридан давралар. Р. АЛБЕКОВ тасвири.



АГАР ҚАЛБДАН ҲИС ҚИЛСА

Мактаб — маърифат ўчоғи. Уни қадрлашни каттаю кичик, айниқса, ўқувчилар яхши билмоғи, қалбидан ҳис қилмоғи керак. Бу масала яқинда «Маърифат» да эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошевнинг мақоласида ҳам алоҳида қайд қилиб ўтилди. Ҳа, янги ўқув йилида мактаб, унинг барча жиҳозлари, ўқув қуроллари, китобдан тортиб, қаламгача авайлаб сақланишини ўқувчилар онига етказиш муҳимдир. Бу иш шундай таъсирчан бўлиши зарурки, «мактаб — муқаддас» тушунчасини болаларнинг эмас, ота-оналар ҳам ҳис қилсинлар.

Биз ўтган йили бу масалага алоҳида эътиборни қаратдик. Ўқувчилар билан олиб борилган тарбиявий соатларда, йиғилишларда ота-оналар билан маслаҳат кенгашлирида масаланинг бутун моҳитини тушуниришга ҳаракат қилдик. Натيجида мактаб биноси ҳам, ўқув қуроллари ҳам, жиҳозлари ҳам яхши сақланди. Бу эса таъмирлаш ишлари анча енгиллаштириди.

Ўқув йили тугаши билан бир қатор синфларимиз жамоатчилик асосида таъмирлаш ишларини бажаришга киришдилар. 9 «А» синф ўқувчиларидан О. Шарипова, Н. Жумаева, Г. Комилова, Г. Вахромова сингари жамоатчи ўқувчилар меҳнат муаллими Ш. Шайба Дажингилдеева раҳбарлигида она тили ва адабиёт кабинетини, ўзлари ўқиган синф хонасини сифатли таъмирладилар. Шунингдек, улар 21 та парта ва 33 та стулни бўйдилар.

Мактабни янги ўқув йилига муқаддас қилиш шайлашда синф раҳбарлари Г. Юсупов, Л. Асанова, М. Мирзаева, Н. Ниёзовлар синф ота-оналар қўмиталарининг ёрдами билан талайгина иш бажаришди. Мактаб ўқитувчилари ота-оналар ҳамкорлигида 25 та синф хонаси, барча фан кабинетларини таъмирдан чиқаришди. Биз, албатта, «мактаб — муқаддас» деган тушунчани англаб етган ота-оналару, ўқувчиларимиздан миннатдоримиз. Бу, айниқса, нарх-наво ўсиб, таъмирлаш ишлари бирмунча қийин бўлиб қолган ҳозирги шaroитда жуда ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Бу гапларни айтишимдан мақсад биз тарбиялаётган болаларимизнинг эл-юртга қарашли барча нарсаларни қадрлашга ўргатиш лозимлигини, уларга қадр-қиймат, эътибор тушунишсини сингдириш кераклигини таъкидлашдир. Зотан, ёшларда эл-юртга муҳаббат, эл мулкига жонин ачиши туйғуларидан фуқаролик ватанпарварлик туйғуси уяниб чиқади. Буни биз тарбиячилар ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

А. БЕҒМАТОВ.

Навоий районидagi Ҳамза номили 11-ўрта мактаб ўқитувчиси.

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ

Ўзбекистон истиқлолининг бир йиллик тўйини нишонлаш арасида. Мустақиллик маориф шохобчаларига нима берди? Шундай савол билан Юнусобод район халқ таълими бўлимида бўлиб, муҳандис Раҳим Ақромов, бош назоратчи Ҳоҳатов Мирзаёрова, услубчи Фотима Тиллаҳужаева кабилар билан суҳбатлашдик.

Маълум бўлдики, бу йил райондаги 4 та мактабда капитал, 40 та мактабда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу ишларда 7 миллион сўмдан ортиқ пул ажратилган. Устахоналар, фан хоналарини электрон ҳисоблаш машиналари билан жиҳозлаш учун 470

миг сўм сарфланди. Оталик ташкилотларидан «Зенит», «Юлдуз», «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари 100 миг сўмдан ортиқ пулни мактабларга тортиқ этдилар. 21-болалар уйи 29-болалар уйи билан бирлаштирилиб, 10 та бошланғич гуруҳ ташкил қилинди. 12, 83, 220, 273, 288, 302-мактаблардаги ортиқча ер, ертўралар, бўш хоналар турли ташкилотларга ижарага берилди. Бу билан мактаб ижтисодий фойда кўради. Мактаблар эркин ҳолда у ёки бу корхоналар билан шартномалар тузиб, ўқувчи ёшларнинг бўш вақтини мазмулли ўтишига имконият яратмоқдалар. «Юлдуз» тикувчилиги

ишлаб чиқариш бирлашмаси 21, 51-мактаблар билан, Охунбобоев номи бош кийимлар фабрикаси 70-мактаб билан, «Ўзбексельмаш» бирлашмаси 105, 239-мактаблар билан, асбобсозлик заводи 117-мактаб билан ҳамкорликда иш бошлайдилар. 9, 273-лицей-мактаблари бу йилдан ўзбек бўлмаган миллат вакиллари биринчи синфдан ўзбек синфларида ўқитишни бошлайдилар.

Ҳамма мактабгача болалар муассасаларида ўзбек тили чуқурлаштирилган дастур асосида олиб борилди. 138-боғча билан 83-мактаб ҳамкорликда лицей ташкил қилинди. Боғча ва яслиларда она тилида «одобнома»,

«маърифатнома» ларни ўқитиш билан болаларга ўзбекона анъаналарни чуқур сингдирилди. Янги ўқув йилидан 1 ва 27-кечки-сменали ишчи-ёшлар мактабларида қиз болалар ҳамширалик, боғча тарбиячиси гувоҳномаси ҳам олади.

273-лицей-мактаби турли олий ўқув юртлири билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Энди эса Ленин номи хотин-қизлар билим юрти билан ҳамкорлик бошлайдилар. Мактабда олинган имтиҳонлар билим юртига қилан ҳуқуқини берилади. Бу билим масканида 1-синфдан араб, инглиз тиллари ўқитилади. Эски урф-одатларимиз асосида ёшларга ҳам

илм, ҳам маънавий покликни ўргатишимиз керак экан, ҳамма мактабларни маҳаллар билан боғланган ҳолда, «Мактаб — маҳалла — жамоатчилик» асосида иш олиб бориш зарурлиги маълум бўлди. Шу боисдан янги ўқув йилидан бу тизимда иш олиб борилди. Шунингдек, 16 та ясли-боғчада болаларни ёшлардан сузишга ўргатиш учун соғломлаштириш кичик сув ҳавзалари ҳам ташкил қилинди.

Хуллас, ўқув йилига қилинаётган тайёргарчилик мустақиллик шарофати билан миллий анъаналаримизга кенг йўл берилаётганидан далолатдир. С. СУЛТОНОВ, олий тоифадаги ўқитувчи.

Халқ таълими фидойилари

РАҲБАРЛИКНИНГ ОҒИР ЮКИ



Хоразм воҳасига йўлингиз тушса, Дўржаб шаҳридаги Ҳамза номили мактабга кириб ўтинг. У ерда сиз бир ақолиб инсон билан учрашасиз ва бу учрашувни мароқ билан эслаб юрасиз.

Яхши одамлар билан учрашув умрга умр кўшади. Сафарбой Ҳасанов, албатта, сиз кутган одам бўлиб чиқади. Дарёдан ўтиб, Ҳамза номили мактаб қаерда десангиз, ҳамма йўл кўрсатади. Хоразм воҳаси ҳам худди шу мактаб пойидан бошланади.

Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бу бинота кўчиб ўтганларига икки йилдан ошди. Мактабга Ўзбекистон халқ маорифи аълоиси Сафарбой Ҳасанов 15 йилдан буён директорлик қилади. Билим даргоҳида 800 нафарга яқин ўзбек, қозоқ, туркман, қорағаллоқ ва бошқа миллат вакиллари фарзандларига 50 нафар муаллим пухта билим ва тарбия бериб келмоқда.

Сафарбой Ҳасановни ҳамкасблари меъмор директор ҳам дейишади. У қайси мактабда ишламасин, аввало, бинонинг сифатига эътибор беради. Унинг олдати шунанки. Девоиринг сувоғи сал тушса, уни таъмирлатмагунча тинчмайди.

Ҳазорасп райони Питнак қишлоғи Худудийдаги «Партия XXII съезди» мактабидан ишлаб юрган кезларида уни йилдан қуриш ҳаракатига тушди. Бунинг учун қанчадан-қанча ёшуллиларни беэовта қилди. Депутатларга мурожаат этди. Охири муродига етди. Янги мактаб бир-икки йил ичида райондаги энг кўзга кўринган билим даргоҳига айланди.

Ғайратлига ҳаммаша иш топилади, деганларидек, Сафарбой ачани Дўржаб шаҳридаги Ҳамза номили ўрта мактабга директор қилиб ўтказишди. Яна унинг бошига мактаб қуриш ташвиши тушди. Бу мактаб биноси иккита бўлиб, бир-бирдан бир ярим километр узоқда, унинг устига бошланғич синфлар ўқитган бино авария ҳолатида эди.

Ангиза олиб шу йил апрель ойида кучли ёнғинчилик бўлди. Авария ҳолатидаги бино деворини ёмиғир ювиб юборди. Бошланғич синф ўқувчилари юқори синф болалари ўқитган хоналарга, юқори синф болалари эса 4—5 км. узоқликдаги бўш турган биного кўчирилди. Сафарбой ака болаларнинг шунча йўлдан қатнашини кўриб жуда эзилди. Яна идорама идора олиб-югуриш, қатъийлик билан қилинган ҳаракат нажасида 320 ўринли қўшимча хона қурилиши бошланди. Тез орада бу иш ҳам битди. У энди сал тинчигандай бўлди.

Интилувчан директор бунга ҳам қониқмади. У ўз ўқувчиларининг кенг хоналарда, замонавий бинода ўқишини жуда-жуда хоҳларди. У бир кун шаҳарнинг бош режасида 1176 ўринли мактаб қурилиши мўлжалланганини билиб қолди. Яна югур-югур бошланди. Раҳбарлар кўп баҳоналар топишди. Лекин Сафарбой ака ҳам бўш келмади. Чизмалар тайёр бўлди. Қурилиш бошланди. Аммо мактаб битай деганда бу бинони ҳунар-техника билим юртига олиб беришди. Ота-оналари, жамоатчиликни оёқга тургазди. Ниҳоят, янги бино ўқувчиларга берилди.

...Дўржаб шаҳрида турли миллат вакиллари тинч-тотув ишмоқдалар. Қозоқ миллатига мансуб кишилар эса Ҳамза номили ўрта мактаб теварагида истиқомат қилади. Сафарбой ака бир кун қозоқ миллатига мансуб ўқувчиларнинг ота-оналарини маслаҳатга чорлади. 1—3-синфларда қозоқ тилида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг 4—10-синфларда ўзбек тилида ўқитганларига қийналаётганликларини, ҳарна қилса-да, дарсларни яхши ўзлаштира олмаётганликларини айтиб, «шунинг учун қозоқ ўрта мактаби ташкил қилсак», деди. Бу ота-оналарнинг дилидаги гап бўлиб чиқди. Ҳамза номили мактабнинг таъмирланган биносига Ғани Муратбоев номили қозоқ ўрта мактаби 1990-91 ўқув йилидан иш бошлади.

Ҳамза номили ўрта мактабнинг яна бир ақолиб томони унда музей борлигидир. Бу тарих ва ўлкашунослик музейи учун мактабнинг бир бўлими ажратилди. Музейга, ҳатто қўшни жумҳуриятлар ўқувчилари ҳам таъриф буюрмоқдалар. О. ЭҒАМБЕРДИЕВ.

Хоразм вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг кабинет мудири.

Таклиф ва мулоҳаза

ИСРОФГАРЧИЛИК КИМГА КЕРАК?

Математика бўйича ўқувчиларга тушунарли мисол ва масалалар тузиш ҳамда қўйилганларни ҳисобга олган ҳолда дарслик яратиш мумкин, деб ҳисоблайман.

5—6-синфлардан геометрияга доир ўқув соатларини чиқариш керак, чунки бу материалларни 7-синфдан бошлаб геометрияда ўрганилади. Қарийб, 30 йиллик таърибам шунга кўрсатмоқдаки, 5—6-синфларда геометрияга оид қонда, формулалар ўқувчилар хотирасида қолмайди. Бу мавзулар ўрнига шу синфда оддий ва ўқилмас, турли амалга доир мисоллар, физика, тенглама тузишга доир мисол ва масалаларга ажратилган соатларни кўпайтириш мумкин. Бу 9—11-синф ўқувчилари юқоридаги мавзуга оид машқларни кам ўрганганликларини учун эсдан чиқариб юбормоқдалар.

Мавжуд дарсликларнинг ҳажмининг ортиқча материаллардан тозалаш ҳисобига камайириш ва иқтисод қилинган қозоқ ҳисобига дарслик нусхасини кўпайтириш мумкин. Дарсликлар ўқувчиларга сотилгани маълум Чунки, ўқувчилар йил охирида дарсликни топширадилар, зарур вақтда, айниқса, юқори синф ўқувчилари бу дарсликларни тополмайдилар ва такрорлашга қийналадилар. Бундан ташқари, ҳар бир юқори синф учун математикадан методик қўлланма керак. Чунки ёш ўқитувчилар учун шундай зарурат бор.

Ҳамма дарсликлар ҳам ўқувчиларга етарли эмас. Масалан, 9-синф учун ўтган ўқув йилида алгебрадан 3—4 ўқувчига 1 та дарслик тўғри келди. Чунки 1987 йилда чиққан дарсликнинг ҳаммаси ҳам ҳозиргача сақланиб қолмаган.

Геометрия дарслиги эса тез эскирмоқда, чунки ҳар бир параграфдан кейин такрорлаш учун саволлар ва машқлар берилган, булар кўп бўлиб, фойдаланиш учун қўлай эмас.

Мен 5—11-синфлар учун математика, алгебра ва анализ асослари дарсликларини кўриб чиқиб қўлаб қоз иқтисод қилиш ва шу тежалган қозондан юқорида айтилган дарслик, қўлланма, ва ҳатто ойнама чиқариш мумкин, деб ўйлайман. Далиллар келтирмаган: 5-синф учун математика 243000 нусхада чоп этилган, бу дарсликдаги 182 варақдан 23 варағи ортиқча. Буларда ҳар бир боб

ликнинг ҳаммаси ҳам ҳозиргача сақланиб қолмаган. Геометрия дарслиги эса тез эскирмоқда, чунки ҳар бир параграфдан кейин такрорлаш учун саволлар ва машқлар берилган, булар кўп бўлиб, фойдаланиш учун қўлай эмас.

Мен 5—11-синфлар учун математика, алгебра ва анализ асослари дарсликларини кўриб чиқиб қўлаб қоз иқтисод қилиш ва шу тежалган қозондан юқорида айтилган дарслик, қўлланма, ва ҳатто ойнама чиқариш мумкин, деб ўйлайман. Далиллар келтирмаган: 5-синф учун математика 243000 нусхада чоп этилган, бу дарсликдаги 182 варақдан 23 варағи ортиқча. Буларда ҳар бир боб

ушун қўшимча машқлар, такрорлаш учун машқлар, қийинроқ машқлар берилган бўлиб, буларни дарслик ишлаш учун вақт бутунлай етмади. Ҳар бир бандга берилган машқларнинг ўзи ҳам қўлиқ қилади. Агар ҳар ортинча варақ олиб ташланса, 5589000 варақ иқтисод қилинади, ундан эса 159 варақли 35150 та дарслик қўшимча ишлаб чиқариш ёки бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин. Бунда дарслик икчамлашди ва нархи ҳам арзонлашди.

6-синф математика дарслигида 134 варақдан 13 варақ (ёки 26 бет) тежалган бўлиб, 3445000 варақни тежалаш мумкин. Тежалган бу қозондан 28471 та 121

варақли дарсликни қўшимча чиқариш мумкин.

7-синф учун алгебра дарслиги 120 варақ бўлиб, ундан 22 варақ ортиқча, 468000 та нусхадаги шу дарсликдан 10252000 варақ тежалаш, ундан эса 89 варақли қўшимча 104612 та дарслик яратиш мумкин.

Бундай тежалаш мумкин бўлган варақлар янги қозон бошқа синфлар учун чиқаришга дарсликларда ҳам амалга ошириш бўлади. Тежалган бу қозондан қўшимча қанчадан-қанча дарслик чиқарса бўлади.

Жумҳуриятимиз раҳбарлари, назоратчидаги мутаассад раҳбарлар келажигини раванқли, ёш авлод таълими ва тарбияси учун ўз кучларини алмайдилар, юқоридаги муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашадилар, деб ўйлайман.

М. МИРКАРИМОВ,
Тошкент шаҳридаги 114-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси.

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ma'rifati

1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ

ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БУЛИМЛАРИДА, ИШ ВА УҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЖАМОАТЧИ МАТ-БУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ЧЕК-ЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ф. 69-1		ССЖИ Алоқа вазирлиги «Маъбуот» уюшмаси									
АБОНЕМЕНТ рўзнома ойнома		64595									
"МАЪРИФАТ"		(нашр кўрсаткичи)									
(нашр номи)		Обуна соми									
1993 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга		(почта кўрсаткичи)		Кимга		(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)					
РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ		64595									
"МАЪРИФАТ"		(нашр номи)									
п. в.	жойи										
Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	Сўм	Обуна соми								
	Баҳоси	Сўм									
1993 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга		(почта кўрсаткичи)		Кимга		(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)					

Ўқитувчиларнинг август кенгашлари олдидан

АНИҚ МАҚСАД САРИ

Маориф ходимларининг асосий фаолияти кўп жihatдан, ўқув йили олдидан ўтказилган август педагогика кенгашларида, унда белгилаб олинган йўналишнинг тўғри-лиги баҳоланади. Биз билган ва ўтказиб келадиган кенгашларимиз ана шундайми? Ай-ти керакми, кўпинча бундай эмас. Кенгашлар ўқитувчиларнинг турмуш иқри-чиқирларини билан таъжирба алмашиш жойи-га, район ва шаҳар раҳ-барлари учун ўқитувчилар билан мажбурий учрашувларга айланб қолди. Айниқса, партия кўмитлари томонидан тайёрланган, умумий гаплар-га тўла маърузалар, мактабга ҳеч қандай алоқаси йўқ киши-ларнинг ўқитувчиларга наси-ҳатлари кенгашларни сиқийси қилган анжуманга айланган юборганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Турмушимизда содир бўла-ётган воқеалар ана шу кен-гашларни ўтказишга бирмун-ча ижодий ёндашишни талаб қилиб қолди. Бу борада Пар-кент район халқ таълими бўлими айрим таъжирбалар ор-тирди.

Мана, уч йилдирки, биз ав-густ кенгашларини ҳам мазму-ни, ҳам шаклини бошқача ўт-казилди, фанлар бўйича шў-ба ишларига тайёрларган мар-тапнинг ёндашиш бошлан-тиш шўба бўйича энг яхши ўқи-тувчи ишлаётган мактаб ба-засида ўтди.

Кейинги йилларда илгор ва ижодкор ўқитувчилар ўзла-рининг иш таъжирбаларида ўқи-тишни турли услуб ва шакл-лари: таъжирба таъжирба ўқи-тиш, дера ўқитишнинг ноёнана-вий шаклларида фойдалани-ши, ўқувчи таъжирба инди-видуал ёндашишга таяниб бери-ш, эски ўзбек ёзувининг ўқи-тилиши, «Одобнома» дарслари каби қатор муаммолар бўйича синовлар олиб боришда. Мактабларни миллийлашти-риш, ўқувчиларни ўзбек халқ-ининг миллий анъаналари ва урф-одатлари руҳида тарбия-лаш масаласига катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонимиз мустақил бўлиш муносабати билан кўп-гина фанларни ўқитишни кў-риқномаси (концепцияси) эълон қилиб боришда. Лекин ўқи-тувчиларнинг асосий қисми Бу масаланинг тўғри ечимини топишда қийналади.

Барча мактаблар, мактабга-ча тарбия, мактабдан ташқари болалар муассасаларининг ва-киллари билан район раҳбар-лари, қорхона, ташкилот, дав-лат хўжаликларни, бўлимлар раҳбарлари билан ўқитилган дарс давра сўхбатлари ўқув йили девомида учрайдиган айрим қийинчиликларни енгиш-да катта роль ўйнамоқда.

Умуман, эндиликда ўткази-лаётган бундай таъжирбалар ўзи-нинг ижодий томонини кўр-сатмоқдаки, бундан ҳамма мамнун. Ўқитувчиларни ша-рафли, мураккаб вазифасини бажаришга кириштиришдан ол-дин уларни маданий дам ол-дириш, маданий ҳордиқ бе-риш, янги ўқув йилини янги куч, янги ғайрат билан бошла-ши учун ҳар йили тантанали байрам сайларини ўтказиш анъанага айланб қолди.

Турли кўргазмалар, аттракционлар, савдо-сотқ ва шунга ўхшаш турли таъжирбалар ташкил этилади. Боғ ҳауда-даги чойхоналар, ошхоналар маориф ходимлари хизмати-да бўлади. Кўшни раёнлар, вилоятдан меҳмонларни тақ-лиф этиш. Сал эътибордан кенгча давом этади.

Ушаймики, ҳар йили ўткази-ладиган ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашларини юқоридагидек ташкил эти-лиши бунгунг куннинг талаби-га мосдир.

Р. ЙУЛДОШЕВ,
Паркент район халқ таълими бўлими мудирининг муовини.

Бутун дунёда юз бераётган туб ижтимоий-сиёсий ўзга-ришлар республикамизда де-мократия ва ошқоралик тарихий амалиётларнинг қарор топи-шига, тарихий ҳақиқатнинг тикланишига, ижтимоий тур-мушнинг демократлашуви-га, халқларнинг миллий иш-хатдан ўзлигини англашига олиб келди. Буларнинг ҳам-маси таълим-тарбия соҳа-сида ишловчи жамкии ходим-ларнинг, шу жумладан, умумтаълим мактабларидаги тарих ўқитувчиларининг ҳам зиммасига шарафли ва масъ-улиятли вазифаларни юкла-моқда. Бу борада тарих ўқи-тувчиларига ҳеч ҳам осон бўлмади. Уларни бу йилдан эътиборан мактабларда тарих фанини қандай ва қай йўсин-да ўқитиш керак, деган ма-сала қизқинчилик, шўба-ча. Сабаби — мактабларда ўқитилаётган ижтимоий фан-лардан ташқари, биронта бошқа фан бу қадар ҳескин ўзгаришларга ғирғифтор бўл-мади.

XX асрнинг 80—90-йил-ларидан эътиборан, халқаро муносабатларда янги сиёсий тафаккурнинг пайдо бўлиши ва унинг жаҳон бўйлаб ёйи-лиши, СССР ва Шарқий Ев-ропа мамлакатларида комму-нистик тузумнинг емирили-ши, ўзаро Иқтисодий Ёрдан Кенгаши ва Варшава шарт-номаси ташкилотларининг туга-тилиши, Европа (Хельсин-ки)га оид жараёнларнинг ри-вожланиши жаҳон социализм тизимининг инқирозига унинг ўрнида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўли-шига, ва, нҳотди, Евро-пада сиёсий ҳарфасининг тубдан ўзгариб кетишига олиб келди. Булар мактаб-ларда тарих фанини янгича асосда ўқитишни зарур қи-либ қўйган ташқи омиллар сирасига кирди.

Ҳозирги халқ таълими ти-зимида юз бераётган туб си-фат ўзгаришлар мактабда та-рих курсини ҳам қайта ку-риши, уни ўқитиш мақса-ди, мазмуни, тартиби ва тар-кибин ўзгариштириш талаб қилмоқда. Жумхурият умум-таълим мактабларида тарих фанининг ўқитиши, энг ав-вало, «Ўзбекистон халқлари тарихи»дан бошлаш, уни ўр-ганишни илмий асосга қу-риш вақти келди. Зеро, та-рих таълимининг миллий асо-да қўрмасдан туриб миллий мактабни шакллантириб бўл-майди. Булар эски тузум-нинг айби билан йўл қўйил-ган ҳато ва камчиликлар бў-либ, уларни бир ҳамла бил-лан бир-ича йил ичида бери-лараси етиш мумкин. Тарих фанини янгича асосда ўқи-тиши зарур қилиб қўйган ички омиллар бўлган ўзгаришлардан яна би-ри — маълум тарихий за-мон, макон ва вақтда содир бўлган бир тарихий воқеа-ҳодиса эътиборида турли хил қарашларнинг мавжудлиги-

дир. Уларнинг қайси бири ҳақиқат, қайси бири уйдир-ма ва қайси бири эҳтирослар асосида битилган тарихий арсона эканлигини ҳали ҳеч ким тўғри енб бераёлган йўқ. Бугунги мактаб ўқув-чиси тарихий воқеалар қан-дай содир бўлган бўлса, уни шундайлигига билишни иста-йди ва бунга улар ўз устоз-ларидан кутмоқдалар. Бу-гунги тарих ўқитувчиси қан-дай йўл тўтас таълим-тар-бияда қўзғалган мақсадни эриштиши мумкин?

У ўз ўқувчиларини тарих-ий воқеаларнинг изчилли-ги асосини тарбиялаши, уларга ўтмиш ва ҳозирги, тарихий воқеаларнинг ўзаро боғлиқлигини тушутириш ва шу асосда уларнинг илмий тафаккурини шакллантири-ши, ўтмишга ҳолисонлило-илмий баҳо беришга, Ўзе-бекистон ва умумжаҳон тарихидаги тарихий жараёнларни қиссий таҳлил қила билишига

Демак, янги ўқув режаси, дастури ва ўқув қўлланма-ларининг яратилишини кут-иб ўтирмай авваллари тарих ўқитиш чоғида илмий-тарих-ийликка қандай амал қи-лингн бўлса, илмий-педа-гогик тамойилларга ҳам шундай амал қилиб ҳарс ўтвериши керак бўлади.

Булар қуйидагича бўлиши мумкин:

а) илмий ҳолислик, бега-разлик тамойили. Бу та-моийига кўра, тарих курси бўйича ўқув материалларининг мазмунини танлашда совет давридагига ўхшаб сиё-сий ниҳонланган ва зуравон-ликка асосланган мустаби-длик нуқтаи назардан ён-дошмаслик керак. Зеро, та-рихда «яхши», «ёмон» деган далил ва асослар бўлмайди.

б) тарихни инсонларвар-лаштириш тамойили. Бу та-моийил мактаб тарихи курсининг эҳтирослар таъсири воситасида тарбия-

халқлари тарихи»га етакчи тарих курси ҳуқуқи берила-ди. Бу объектив ҳодиса жу-мхурият умумтаълим мактаб-ларида умумий тарих таъ-лимини яратиш учун Ўзе-бекистон халқлари тарихини миллий асос қилиб олишга имкон беради. Ана шу тарих-ий изчилликка асосланб, «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни мактабларда қандай ўқитиш керак?

Очининг айтганда, мазкур курснинг тартибига солинган мустақил, тугал дастури ва дарсликларни ҳали яратилган йўқ. Демак, унинг таъ-лими, тарбиявий ҳамда ри-вожлантирувчи вазифалари ҳам ҳали ишлаб чиқилган эмас. Ёнг, аввало, буларнинг ҳаммасини илмий-назарий, илмий-методик жиҳатдан асосланб бериш зарур. Бу-ни кутиб ўтириш керакми? Бўлмаса нима қилиш лозим?

Бунинг учун умумжаҳон халқлари тарихини ўқитиш

жараёнида, энг аввало, жа-ҳон халқлари тарихида ўзе-бек халқининг тутган ўрни тўғрисидаги масалани кўра-сида бериш орқали уни ер-юзидан энг қадимги цивили-зациянинг пайдо бўлиши ва ривожланишини таъби, тарихий шарт-шароитлари билан боғлаб юбориш керак.

Бундан бичинчидан, «Ўзе-бекистон халқлари тарихи»ни ўрганиш жараёнида ўқув-чиларга ижтимоий тарақ-қиётнинг асосий етакчи қу-рунчаларини тўғри баҳолаш ва шу асосда ўзбек халқ-ининг тарихий тараққиети бил-лан жаҳон халқлари тарақ-қиетидаги умумийлик ва ўза-га хос хусусиятларни англаб олишга эришиш;

иккинчидан, ўзбек халқ-ининг жаҳон халқлари маъна-вий, маданий ва моддий та-риққиетида қўшган буюк ҳиссаларини нафақат ташви-қот қилдириш ва бу билан фахрланишни билдириш, балки жумхуриятдаги қадимий ёдгорликларни муҳофаза қи-лиш ҳарақатида фаол қатна-шадиган, Ўзбекистоннинг маънавий қадриятларини эъ-зозлайдиган ватанпарвар ёш-ларни тарбиялаш;

учинчидан, ўқувчиларни миллий урф-одат ва турмуш анъаналари руҳида тарбия-лашдаги ўзбек халқининг маънавий қадриятларини қайта тиклайдиган «Ўзбеки-стон халқлари тарихи»нинг

ролини кучайтириш. Бу ва-

зифаларни амалга ошириш, «Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг кўпгина саҳифа-лари ўқитувчилар томонидан қай йўсинда ёритилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан олиб қара-ганда, ўрта Осиё халқлари тарихидаги «Осиёча ишлаб чиқариш усули», «Осиёча савдо», ўрта Осиё халқла-рининг тарихий тақдир ва ҳозирги ҳаётида ислом дини ва унинг инсон маънавий қадриятларида тутган ўрни, Чоризм томонидан ўрта Осиёнинг босиб олиниши, XIX асрнинг иккинчи яр-ми — XX аср бошларида ўрта Осиё халқларининг миллий озодлик ҳаракатла-рига берилган баҳо, ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жадидалар ҳаракати-нинг моҳияти каби бир қатор муаммолар ўқитувчининг ҳолис баҳосига муҳтож. Шунингдек, бу курсда совет даври тарихини ўқитишнинг ўзига хос муаммолари ҳам йўқ эмас. Хусусан, булар Туркистонда Октябрь Со-вет ҳокимиятини ўрнатилда меншевиклар, эсерлар, большевиклар ва туб аҳоли вакилларининг ўрнини аниқ-лаш зарурлиги тўғрисидаги масалалардир.

1920—1924-йилларда Хо-разм ва Бухоро хонликлари-да большевиклар томонидан ўқитирилган давлат тўта-ришини ва унда жадидалар (Еш бухороликлар) фаоли-ятининг асл моҳиятини очиб бериш керак. Қўзон мухтор жумхурияти сиёсатини ва миллий-озодлик ҳаракати-нинг пайдо бўлиш сабабла-рини аниқлаш ҳам шулар жумласидандир.

Маълумки, Ўзбекистонда ва бошқа ўрта Осиё респу-бликаларида пахта масаласи-да гап бораганда унинг яқка-қоқимлигининг салбий оқи-батлари тўғрисида лом-лим демеблик аниғана айланган эди. Шу сабабдан собиқ СССРда пахта мустақиллиги ҳақидаги масала ҳам Ўзе-бекистон халқлари тарихи курси-да ўзининг ҳолис баёнини кутмоқда.

Ўзбекистоннинг 60—80-йиллардаги иқтисодий, иж-тимоий-сиёсий ҳаётига тўғри баҳо бериш вақти келди. Юқорида баён қилинган фикрлар, албатта, ҳамма ма-салаларни қамраб ололмайди. Буларнинг ҳаммаси ўқи-тувчилардан ҳолис тарихий далилларга асосланган янги илмий қараш ва уни ўқи-тишга оид йўл-йўриқларни ишлаб чиқишлигини кутиб ўтирмасдан янги ўқув йил-дан эътиборан юксак меҳнат кайфияти билан ишга кири-шавериш кераклигини бил-дирилади. Чунки булар ёшлар-нинг тарихий тушушча ва он-гининг янгидан шакллани-шининг зарур шартидир.

Ғ. МАХМУДНАЗАРОВ,
Қори-Нивези номидаги Ўзе-бекистон педагогика фанла-ри илмий тадқиқот инсти-туту «Ўзбекистон халқлари тарихи» бўлими мудири, та-рих фанлари номзоди.

ТАРИХИМИЗНИ ҚАНДАЙ ЎҚИТАМИЗ?

ўргатиши, тарихий манба-ларни мустақил ўрганиш асосида шахсий ҳулосалар чиқаришга одатлантириши ва шу йўл билан бу соҳада уларнинг зарур қўнимчаларга эга бўлишларига эриши-ши мумкин. Шунингдек, ўқувчиларни тарихдаги маъ-навий-ахлоқий қадриятлар-нинг аҳамиятини англаб етишга ҳам ўргатиш керак. Зеро, мактабларда тарих кур-сини ўрганиш ўқувчиларни тарихий воқеаларга ва та-рихий шахслар фаолиятга умуминсоний қадриятларга асосланб туриб тўғри баҳо беришга ўргатади.

Халқимизнинг маданий бой-ликларини, ижтимоий, дин-ий урф-одат ва анъанала-рини яхши биладиган, эъ-тиқодли, ўз халқининг тарих-ини ва маданий ёдгорлик-ларини нафақат тарби қи-ладиган ва у билан фахрла-надиган, балки уларни му-ҳофаза қилишда фаол қат-нашадиган ватанпарварлар-ни тарбиялаш ҳам шулар-жумласидандир. Бу, ўз-ўзи-дан, осонгина амалга ошадиган жараён эмас. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи умум-таълим мактабларида тарих фанини ўқитишнинг илмий методик усулларини тақо-миллаштириб, уни сувий, равишда кашф қилинган та-рихий ақидалардан, маъму-рий расмийчиликдан қутқа-риб, ўтмишда таъқилланган тарихий мазмунини «таъ-қибдан овоз этиб», «тарих курсини янги манбалар, ян-гича гоа, янгича йўл-йўриқ-лар билан тўлдириб ўқитиши зарур.

лаш имкониятларини кучай-тиради. У «ижтимоий тарақ-қиёт» тушушчасини қайта та-факкур қилишни, асосан жа-миятнинг ривожлантирувчи кучи сифатида уни тор маъ-нодаги технократик тушу-нишдан воз кечишни, Хусан, тарихнинг ижодкор Иқтисодий маданий, маъна-вий, миллий, сиёсий, иқти-содий, синфий ва бошқа со-ҳалар тизимидagi ўрнини ўр-ганишга диққат-эътиборни кучайтиришни билдиради:

в) ўқувчиларнинг ёши ва педагогик руҳиятини ҳисоб-га олиш тамойили. Аслида бу тамойил мактаб тарихи-нинг мазмуни ва уни ўзла-штиришнинг ҳозирча ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган учта соҳаси мавжудлигини билдиради: ўқув материали-нинг ҳажми ва мазмунини ҳисобга олиш;

б) билмиларни ўзлаштириш-даги методик усул ва маҳор-ратнинг қўлимга амал қи-лиш;

ўқувчиларнинг тарихий во-қеа ва тарихий шахслар фаолиятига нисбатан инсо-ний муносабатда бўлиши шу-лар жумласидандир.

Бу жараён ўқувчиларнинг синфдан-синфга ўтиб, вояга етиб бориши билан ўзгариб боради. Шунинг учун маж-буд ўқув дастури ва ҳар бир дарсга танланган мате-риаллар ва унинг илмий са-вияси, кўлами ўқувчилар-нинг ёш қўбиллиги, имко-нияти ва қизиқилиши қараб айнан унга мос равишда ўз-гариб боришини унутмаслик керак.

Бундан бўён жумхурият мактабларида «Ўзбекистон

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

ХОРАЗМ. Қўшқўпир рай-онига уч авлод вакиллари-нинг учрашуви бўлиб ўтди. Район халқ таълими бўлими мудири Б. Собиров ўз нутқи-да, айниқса, район маорифи тарихига кўпроқ тўхталиб, йиллар мобайнида халқ мао-рифини ривожлантиришда районда катта ҳажмдаги иш-лар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлади.

Район халқ таълими бўли-мининг дастлабки мудири Бў-Мухбиримиз.

либ ишлаган меҳнат фаҳрий-си, 80 ёшли Оллоёв Алимов-нинг нутқини ҳам тўпланганлар қизиқиб билан тингладилар.

Шундан сўнг, районнинг «Юлдаш» дастаси аъзолари ва мактабларнинг бадий ҳа-васкорлари ўзларининг дил-лабо қўшиқлари, шўх ракс-лари билан давргага фойзу тароват бағишладилар.

1992-93 ўқув йилида ўқитилар ўзбек тилида олиб бо-риладиган мактабларнинг 6-синфларида чет тили дарсла-ри янги дарсликлар бўйича амалга оширилади. Ҳозир-ча ўқитувчилар учун дарсликка методик қўлланма нашр этилган йўқ. Шу тўғрисида янги дарслик бўйича 6-синф-да олиб боришни ташкил этиш тўғрисида қуйида мето-дик тавсияларни баён этмоқчимиз.

6-синфда чет тили ўқитиш 5-синфда бошланган таълим-тарбия жараёнининг манти-қий ривожидир. Бу иш ўқув-чилар чет тили бўйича ўз-лаштирган тил материал-ҳажми асосида олиб борилади.

Ўқитувчининг асосий ва-зифаси илгари ўзлаштирил-ган тил материални қўл-ланганда ўқувчилар фаоли-гини оширишдан иборат.

Таълимий ва тарбиявий вазифалар ўқувчилар томо-нидан таълимнинг мазкур босқичидаги реал имконият-ларни ҳисобга олган ҳолда чет тилларини амалий ра-вишда эгаллаш мобайнида ҳал этилади.

6-синфда эшитиш малака-ларини эгаллаш вазифаси ик-ки йўналишда ҳал этилади:

— ўқувчилар сўзлашув нутқининг бир қисми сифа-тида эшитишни ўзлаштири-ши давом эттирилади. Бу даврда муомала қилувчилар вақти-вақти билан ўз сўзла-рини ва шерикларининг луқ-маларини талаффуз этиб ту-ришади;

— нутқ маданиятининг ту-ри сифатида эшитишни ўр-гатиш 6-синфдаги янгилик-лардан ҳисобланади. Бу жа-раёнда ўқувчилар ўқитувчи-нинг равоқ ҳолиларини ёки ўқувчилар ўзлаштирилган лек-сик-грамматик материал асо-сида грамматик ёзувлари матндарни тушуниб тинглай-дилар.

6-синфнинг охирига келиб, ўқувчилар дастур талаблари-га мувофиқ нормал суръат-даги нутқни тушунадиган бў-лишлари керак.

6-синфдаги асосий вазифа диалог ва монолог шакли-даги озаки нутқни ўргатиш-дан иборат.

Сўзлашув нутқи таълим жараёнида асосий ўрнини эгаллаши керак. Агар 5-синфда диалог — савол-жа-вобдан фойдаланилган бўлса, 6-синфда диалог — фикр алмасув, муҳоазаалар билан ўртоқлашув, ўз нуқтаи на-зарини ифодалай олиши асо-сий ўрин тутмоғи керак.

6-синфда эшитиш малака-ларини эгаллаш вазифаси ик-ки йўналишда ҳал этилади:

— ўқувчилар сўзлашув нутқининг бир қисми сифа-тида эшитишни ўзлаштири-ши давом эттирилади. Бу даврда муомала қилувчилар вақти-вақти билан ўз сўзла-рини ва шерикларининг луқ-маларини талаффуз этиб ту-ришади;

— нутқ маданиятининг ту-ри сифатида эшитишни ўр-гатиш 6-синфдаги янгилик-лардан ҳисобланади. Бу жа-раёнда ўқувчилар ўқитувчи-нинг равоқ ҳолиларини ёки ўқувчилар ўзлаштирилган лек-сик-грамматик материал асо-сида грамматик ёзувлари матндарни тушуниб тинглай-дилар.

6-синфнинг охирига келиб, ўқувчилар дастур талаблари-га мувофиқ нормал суръат-даги нутқни тушунадиган бў-лишлари керак.

6-синфдаги асосий вазифа диалог ва монолог шакли-даги озаки нутқни ўргатиш-дан иборат.

Сўзлашув нутқи таълим жараёнида асосий ўрнини эгаллаши керак. Агар 5-синфда диалог — савол-жа-вобдан фойдаланилган бўлса, 6-синфда диалог — фикр алмасув, муҳоазаалар билан ўртоқлашув, ўз нуқтаи на-зарини ифодалай олиши асо-сий ўрин тутмоғи керак.

6-синфда эшитиш малака-ларини эгаллаш вазифаси ик-ки йўналишда ҳал этилади:

— ўқувчилар сўзлашув нутқининг бир қисми сифа-тида эшитишни ўзлаштири-ши давом эттирилади. Бу даврда муомала қилувчилар вақти-вақти билан ўз сўзла-рини ва шерикларининг луқ-маларини талаффуз этиб ту-ришади;

— нутқ маданиятининг ту-ри сифатида эшитишни ўр-гатиш 6-синфдаги янгилик-лардан ҳисобланади. Бу жа-раёнда ўқувчилар ўқитувчи-нинг равоқ ҳолиларини ёки ўқувчилар ўзлаштирилган лек-сик-грамматик материал асо-сида грамматик ёзувлари матндарни тушуниб тинглай-дилар.

6-синфнинг охирига келиб, ўқувчилар дастур талаблари-га мувофиқ нормал суръат-даги нутқни тушунадиган бў-лишлари керак.

6-синфдаги асосий вазифа диалог ва монолог шакли-даги озаки нутқни ўргатиш-дан иборат.

Сўзлашув нутқи таълим жараёнида асосий ўрнини эгаллаши керак. Агар 5-синфда диалог — савол-жа-вобдан фойдаланилган бўлса, 6-синфда диалог — фикр алмасув, муҳоазаалар билан ўртоқлашув, ўз нуқтаи на-зарини ифодалай олиши асо-сий ўрин тутмоғи керак.

6-синфда эшитиш малака-ларини эгаллаш вазифаси ик-ки йўналишда ҳал этилади:

— ўқувчилар сўзлашув нутқининг бир қисми сифа-тида эшитишни ўзлаштири-ши давом эттирилади. Бу даврда муомала қилувчилар вақти-вақти билан ўз сўзла-рини ва шерикларининг луқ-маларини талаффуз этиб ту-ришади;

— нутқ маданиятининг ту-ри сифатида эшитишни ўр-гатиш 6-синфдаги янгилик-лардан ҳисобланади. Бу жа-раёнда ўқувчилар ўқитувчи-нинг равоқ ҳолиларини ёки ўқувчилар ўзлаштирилган лек-сик-грамматик материал асо-сида грамматик ёзувлари матндарни тушуниб тинглай-дилар.

6-синфнинг охирига келиб, ўқувчилар дастур талаблари-га мувофиқ нормал суръат-даги нутқни тушунадиган бў-лишлари керак.

6-синфдаги асосий вазифа диалог ва монолог шакли-даги озаки нутқни ўргатиш-дан иборат.

Сўзлашув нутқи таълим жараёнида асосий ўрнини эгаллаши керак. Агар 5-синфда диалог — савол-жа-вобдан фойдаланилган бўлса, 6-синфда диалог — фикр алмасув, муҳоазаалар билан ўртоқлашув, ўз нуқтаи на-зарини ифодалай олиши асо-сий ўрин тутмоғи керак.

ТАБИАТГА САЁХАТ

Инсон табиятдан баҳра олиб ўсганлиги учун ҳам уни эъзо-лаши керак. Экологик муҳит го-за бўлиши кўп жиҳатдан инсоннинг табиятга меҳри бил-лан белгиланади.

Биология фанини ўқитиш жараёнида саёхат ўқитириш мазмуни дарсликларнинг бўлимларида бир соатдан қўй-илган. Масалан, 6-синфда гулли ўсимликлар билан та-нишиш бўлимида «Хар хил жойда ўсадиган ўсимликлар», «Қўлакмазорлаштириш саё-ҳати» 7-синфда ёпиқ уруқлик-лар бўлимининг ўтишда «Бўгим овқиларнинг хилма-хиллиги», 10-синфда Эволюцион таъли-мот бўлимида икки соат, орга-низм оламнинг ривожланиши бўлимида «Ерда ҳаётнинг ри-вожланиши» мавзуси юзасидан бир соат саёхат дарси берил-ган. Иккинчи ярим йилликда ҳам 6—11-синф ўқувчиларини саёхат эттириш учун бир — икки соат дарс қўйилган.

Мен бир ўқув йилида бош-ланган бир-икки соатлик саё-ҳат дарслари ўқувчиларни қо-ниқтира олади, деб айта ол-майман. Сабаби шунки, қўп-гина мактабларда бир соатлик дарсда она ер бағридеги ўсимлик ва ҳайвонлар олами-ни кузатиш имкони йўқ. Ўқув-режасига қўйилган бундай саё-ҳат мазмуни қоникарсиз ва самарасиздир. Шунинг учун табиятга саёхат камида икки соатлик бўлиши керак. Ҳар қоралик дарсда икки соатдан саёхат этилганда 8 соат да-вомида ўқувчилар анча кузе-тувлар ўқитиши, ам

ЭЗГА ЭЛ АЪЛО ДЕБ КЕТГАН

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

РЕСПУБЛИКА ИЖОДКОР ҲИТОВЧИЛАРИ ВА ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ 1-АДАБИЙ АНЖУМАНИ ОЛДИДАН

Шу йил октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Тошкент шаҳрида ижодкор ҳитовчи ва тарбиячиларнинг 1-Республика йиғини бўлади.

Шу муносабат билан анжуман ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири муовини Илдош Саъдуллаев САИДЖОНОВ билан учрашиб, бу борда олиб бораётган тайёргарлик ишлари тўғрисида сузлаб беришни илтимос қилди.

— Илдош Саъдуллаевич, ижодкор ҳитовчи, тарбиячиларнинг адабий анжуманини ўтказишдан ният нима?

— Халқ таълими вазирлигида ҳитовчиларнинг бу руҳдаги ижодий йиғини биринчи марта ўтказилмоқда. Ўйлаётганим, бу катта аҳамият касб этади. Биринчидан, ҳитовчилар, тарбиячилар, халқ таълимининг барча қадимлари орасида бадиий ижодкорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш даркор. Иккинчидан, ҳозирги давр ўзбек тили ва адабиётини, қардош, хоржий халқлар тили ва адабиётларининг ўқитилишини, умуман, педагогик таълимни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Учинчидан, халқ таълими вилоят бошқармаларининг жойлардаги ижодий уюшмалар бўлими билан ҳамкорлигини кучайтириш мақсада мувофиқдир.

Анжуманга республикамизнинг ҳар бир вилоятидан беш нафаргача ижодкор ҳитовчи, тарбиячи таклиф этилади. Улар назмий, насрий, драматик ҳамда болаларга бағишланган асарлари билан қатнашадилар.

Республикамиз суз усталари анжуман иштирокчилари билан амалий иш олиб борадилар, кенгашларда улар ижодига баҳо берадилар. Ани пайта таниқли шoir, ёзувчи, драматурглар билан ижодий кечалар, уррашувлар ўтказилади, она тили ва адабиётининг ўқитилишига доир, таълим-тарбияга бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилади. Анжуман қатнашчиларининг асарлари махсус ҳа-

камлар ҳайъати томонидан асар мазмунига кўра, Халқ таълими вазирлиги нашрларига, Республика марказий матбуотига эълон этиш учун такдим этилади. Истеъдодли ҳитовчи ижодкорлар Ёзувчилар уюшмаси ёки Адиблар иттифоқи аъзолигига тавсия этилади. Ушбу адабиёт анжуманимиз ижодкор ҳитовчиларимизни бирлаштиришга, руҳлантиришга томон қўйилган биринчи қадамдир. Ўйлаётганим, анжуман келгусида анъана тусини олади.

— Халқ таълими вазирлиги ушбу анжумани ўтказар экан, ижодий уюшма вазифасини адо этмайдими?

— Йўқ. Бу ҳар бир маҳкамга ўз ишини қилсин, деган эски қоидадаги тушунчаларнинг вақти ўтди. Халқ

этаётган, назардан четда қолётган қаламкашларнинг асосий қисмини ҳитовчилар ташкил қилади. Қолаверса, ижодкор устоз шогирдларига мукамал сабон беради. Чунки у асарни чуқурроқ тушунади, ҳис этади, мустақил фикр юртади. Қайси асарни қайси ёшда болага тавсия этишни яхши билади. Бу ижодкорнинг асосий вазифаларидан биридир. Биз шундай ижодкор ҳитовчиларни қўллаб-қувватлашимиз керак.

— Юқорида қайд этилганидек, анжуманда фақатгина ижодий мунозара, мушоира бўлибгина қолмай, педагогик таълим-тарбия маззуда ҳам муҳомаалар ташкил этиш диққат марказида туради.

— Шу баҳонада адабиёт

ташкilot тузиш эса, бу яна янги ҳужжатлар, вақтни оладиган мажлисозлик ва ҳоказо. Булар ишнинг юртувини эмас, унинг олдидаги тўсиқларни кўпайтиради, деб ўйлаётган. Шуларни эътиборга олиб, ҳар турли уюшма, бирлашма тузиш эмас, балки ишлаш керак.

— Шoir, ёзувчиларда шу пайтгача маълум имтиёзлар бўлган. Айтилик, дам олиш уйлари, уй-жой, дала ҳовли, машина деганларидек. Ижодкор ҳитовчида қандай имтиёз бор?

— Имтиёзлар борасида калқ таълими ходимларининг барчаси тенгдир. Улар ҳам ҳитовчилар учун белгиланган имтиёزلардан фойдаланадилар. Ҳитовчилар

Солижон Салоҳитдинов Норин ноҳиясидаги С. Раҳимов номи 25-ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дарс беради. Ёшларини эса — яхшиликка, меҳру оқибат ва ахлоқ-одобга қорлагувчи шеърлардир.

АЛҚИССА...

Ўзга эл аъло деб кетган Гадодир, Хору зор, оқибат ғамда адодир. Кекса-ёш, онадир, балки отадир. Алқисса, туғилган юртинг эъзола.

Дунёнинг буржини кезган кимсан, Меҳру оқибатини сезган кимсан. Айт қани, мен каби минди ким саман? Алқисса, туғилган юртинг эъзола.

Дарёси мусаффо, соф сувлари бор, Бедана, хуш овоз каккулари бор. Бубули, тоғида оҳулари бор, Алқисса, туғилган юртинг эъзола.

Бегона чаманда сайрагайму қуш? Вақти чоғ, беҳадик яйрагайму қуш? Етсирар, ҳаттоки нафас олмас хуш, Алқисса, туғилган юртинг эъзола.

Ҳолбуки, инсонсан, одам боласи, Хуснда бетимсол ҳаёт лоласи, Қуйлагил, қолмасин куйнинг чаласи, Алқисса, туғилган юртинг эъзола.

Англагил, чин қадр хизматда бўлур, Адашгай ким деса: Қисматда бўлар. Фарқ: яхши-ёмонда, нисбатда бўлур, Алқисса, туғилган юртинг эъзола.

Устоз Гафур Гулом, Ойбек юрти бу, Жаҳонда ягона, ойдек худди бу. Бир сузи, дўст қўлин қатий тутди бу... Алқисса, туғилган юртинг эъзола.

АДОЛАТ

Алҳазар, алҳазар, ўқ отиб қўйдик, Оломон ичинда йўқотиб қўйдик. Не қилдик! Ўзимиз тўхтатиб қўйдик, Изланг Адолатни, изланг, одамлар, Топгайсиз, умидни узманг, одамлар!

Адолат барчага одил! Қақамдир, Адолат бор жойда ҳаёт бекамдир.

Балки ўқ тегмаган, балки теккандир, Изланг Адолатни, изланг, одамлар! Топгайсиз, умидни узманг, одамлар!

Адолат душмани бир гуруҳ инсон, Бир гуруҳ инсонни этайлик яқсон. Яшадик шунча йил оч-юпун, сарсон, Изланг Адолатни, изланг, одамлар, Топгайсиз, умидни узманг, одамлар!

Соғ бўлсин, бу юртдан қолмасин кетиб, Афсус-надоматда бизни тарқ этиб, Ҳалокат, даҳшатдир, бўлингиз тетик, Изланг Адолатни, изланг, одамлар, Топгайсиз, умидни узманг, одамлар!

Солижон САЛОҲИТДИНОВ.

ИЖОДКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

дан беш нафаргача ижодкор ҳитовчи, тарбиячи таклиф этилади. Улар назмий, насрий, драматик ҳамда болаларга бағишланган асарлари билан қатнашадилар.

таълими, барча ижодий уюшмалар баҳамжихатлик билан иш кўрса, бунинг нимаси ёмон? Чеғараланишга чек қўйиш керак. Шу баҳонада биз барча ёзувчи, шoirларни яқинроқ бўлишга даъват этаёلمиз. Республикамиздаги шoir ёзувчиларга ўзининг бадиий ижод билан шуғулланувчи ҳитовчилар, тарбиячиларимизни таништириб қўйишни ният қилдик. Ҳар бир ижодкор, аввало, ўқитувчидир. Бунга тарихдан ҳам, ҳозирги даврдан ҳам истаганча мисоллар келтириш мумкин. Ҳамза Ҳабибов, Абдулло Авлоний, Садриддин Айний, Вилоятларда яшаб ижод

ушунга кўра мураккабликларини эътиборга олиб, малака ошириш институтлари қошида соғломлаштириш профилаторийлари очилиши режалаштирилди. Шунингдек, ҳитовчиларнинг меҳнат таътилини ёзи ойларида ўтказишларини ташкил этишга интиляёмиз.

Республикамизнинг ички ва ташқи сиёсатини изчил амалга оширишда ҳитовчилар катта ўрин тутди. Улар халқ орасида кенг тарқалган зиёлилар бўлиб, давлатимиз ҳаётидаги ҳар бир янги воқеа ҳитовчилар орқали оммага ёйлади. Айниқса, ижодкор ҳитовчиларимиз давлат сиёсатининг фаол тар-

ҚАТРА ХАНДА

— «Ҳа, қайчиной, қўрнмайсан, қаерларда юрбдилар?» — сўловига алян олмиш ўрнига кино билан суради раис, кассирлар.

Бугун ишчилар касабга уюшмаси раиси Яллақодировнинг меҳмонларини тайёрагоҳга қўйиб келаяман, — жавоб қилди кассир раисга.

Ж. ХАЛИЛОВ. Шаҳрисабз ноҳияси 39-мактаб.



УНАБ-КУЛИНГ, РАҚҚОСАЛАРИ...

Оллоназар Улугов Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон районидagi Ойбек номи 34-ўрта мактабда дарс беради. Бун вақтларида бадиий ижод билан шуғулланади. Унинг қўллаб ҳикоялари матбуотда эълон қилинган.

Бу йил ёзги таътилни Бой-сунтоғда, чўпон бобомнинг ўтовида ўтказдим. Бобомнинг Ражаббой деган овчи ошнасини ҳам шу ерда учратдим.

— Оббо, шер неварга-ей! Айлаиб келибсиз-да! Дарвоқе, бўрини кўрганмисиз? — деди у.

«Ҳа, ҳайвонот боғида кўрганман», — деб оғиз жуфтлаган ҳам эдимки, овчи амаки жавобини англади шекилли, яна кулди: — Э, йўқ! У запардагани гапирман! Бу ерларда бошқачаси бўлади. Қайси кун десагиз... жониворнинг ургочини болаиб ётган гор теласидан қириб қолибман. Қўшогизга ўқ жойлаб, энди мулжалга олганимни билман, иккала боласи она бўрига осилишиб, паштминни қайтарди-да! Отолмадим. Ҳарқалай, бола-бола-да! Раҳим келди...

— Кейин... кейин нима бўлди? — шопиллиб сурадим мен.

— Нима бўларди! Она бўрининг ўлка ахтариб узоқлашинини поймаб ётдим...

— Кейин-чи? — ҳиқиллаб кулди овчи бобо. — Бўри болаларини тумдон қилмоқчи бўлдим... Баданим сесканиб кетди. — Нега ахир? У... «Қирилди китобда бор-қў!» Овчи бобо сўйлоқ тишла рини кўрсатиб, қаттиқроқ хоқолади.

— «Қирилди китоб» дег неварга? «Қирилди китоб!» Ростдан ҳам қирилмиш ўша китобинглар? Ҳализамон кўрбақа билан паштани ҳам ичига киритамиз, деб бошга бало бўлмасанглар эди. «Қирилди китоб»га кийик кирса, чил кирса, биз овчи зотига ҳеч вақо қолмайди шекилли!

Мен овчи бобонинг гапларига чидаб турсолмадим. — Уша ҳайвонлар йўқолиб кетса, нима бўлади бобо? Овчи бобонинг чехраси бирдан ўзгарди.

— Йўқ, ўғлим... Чинакам овчилар нимага, нима учун милтиқ ўқталаётганини билмади. Бошқа овчилар олди-орқасига қарамай, қириб ташлаверди. Табиатнинг ўз тарауси бор. Қайси жонивор қамайиб, қай бири қўлайиб бораётганини ҳисоб қилиб қўйиб боради. Инна-кейин, бўриваччалардан яхшилик кўриб бўлмайди. Кат-

ТОҒ ТОМОНЛАРДА... (ҲИКОЯ)



тамми-кичими, йиртиқ! Келас сафар ўша бўри болалардан бирини сенга олиб келаман, узинг кўрсан.

Ражаббой овчининг бўри боласи олиб келишини кўриб юрдим. Бу ордада кўшн отарларнинг болаларига ҳам оғзимдан гуллаб қўйдим. Узоқда от кишигас, овчи бобо келма-ўлимман, деб югурадиган бўлиб қолдим. «Ҳайвонот боғидаги бўрига ўшарман-кан», деб ўйлаётган.

Орадан бир ҳафта ўтгач, овчи бобо келиб қолди. Тагида саман оти. Елкасида хуржун. Хуржун ҳар замонда қимирлаб-қимирлаб қўяди.

— Ҳой, неварал Кел, бу ерда! — чакирди овчи бобо. Салом бериб унга яқинлашдим. Овчи бобо хуржунининг оғзини очиб, менга қараб қўйиб қўйди: — Мана, сенга айтган қарзим!

У шундай деб кичкинагина кучукни олиб ерга қўйди. Шу пайт шопиб «не, кучукни боласи-ку!» — деб юборибман. Овчи бобо хоҳолоб — кучукмиш-а! Қўзига қара бун! Чакнаган ўтқи кўрайсанми? Қўлогини кўрайсанми? Жониворнинг боласида ҳам ўн йигитнинг юраги бор-а!

Чиндан ҳам қўзига эътибор бермаган эканман. Ми-соли олов! Ҳайвонот боғида

кўрганамга мутлақо ўхшамайди.

Шу кунни кечки пайт бобом билан акам адирдан қай тишди.

— Бўриваччани қандай гута қолдинг, Ражаббой? Сўради бобом. — Бунинг кўшнни қара! Олиб келмасдан, ўшаёқа гумдон қилиб қўя қолмадингми?

— Э, йўқ, гумдон қилиш доғмас! — илжайди овчи бобо. — Неваранга ваъда бериб қўйиб эдим. Тўйиб томоша қилиб олсин, кейин олиб кетарман.

Овчи бобо тонгтарда бўри боласини ўтовимизда қолдириб, ўзи қайтиб кетди...

Ҳамма воқеалар кечки пайт бошланди. Қоронгу тушини билан итлар безовталиб, бири олиб, бири қўйиб, хура бошлади. Гоҳ қўра айлаиб зир югуришди, гоҳ сой томонга чопишди. Ҳаммамиз ташқарига чиқдик. Анам қўшогизини қўлга олвонди. Кейин пошани-пашани милтиқни бешатди. Ўқ овози қўшн отарлардаги итларни ҳам безовта қилиб юборди.

Дам итларнинг салқин-салқин хуришига қўлоқ тутаман, дам қўлоқларини диққайтириб олган бўри боласига тиқиламан. Қўзимдан уйғу қочди. Шу пайт яқин-ўртдан аллақандай увлаган то-

вуш эшитилди. Яна югуриб ташқарига чиқдим. Бўри боласи ҳам нотинчлана бошлади.

— Она бўри боласини излаб келибди, — шивирлади бобом.

Юрагим орқага тортиб кетди. Бўри увлаган тарафга бўйинимни чўзиб қарадим, ҳеч нимани кўролмадим...

Шу кеча тонг оқаргунча она бўри увллаб, итлар эса хуриб чиқди. Зўра тонг оттирдик. Эрталаб бобом уй-ғотди.

— Мана, овчи бобонинг совғасини ҳам заб томоша қилиб олдинг. Энди, Ражаббойнинг келишини кутмасан-да, бўри боласини қўйиб юборсан! Нима дейсан? — Нима учун бобо? — Бўлмасан, она бўри қийналади. Яна тонг отгунча уйқу бермайди. Боласини соғинган-да! Қўйиб юбора қўлайлик, бўптимми? «Майли» дегандек бош сиклидим. Кейин бўри боласини тоғ этагига олиб бериб қўйиб юбордик.


Уша-ўша она бўри бошқа увламади, ҳеч кимни безовта қилмай қўйди... Оллоназар УЛУГОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Маҳкам РАҲМОНОВ.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

1. Кимёвий элемент, минерал. 2. Ўзбекистон хотинчилари ойнамаси. 3. Ўтмишни ўрганувчи фан. 4. Алишер Навоий девони. 5. Ёз ойининг эскича номи. 6. Цирк санъати устаси. 7. Самарқанд вилоятидаги ноҳия. 8. Ўзбек классик шoirаси. 9. Мустаҳкам қуриш материал. 10. Ёзма илтимоснома. 11. Француз бастакори. 12. Меъморчилик санъати ҳунарманди. 13. Дунё томони. 14. Илдиз мевали резавор. 15. Иззат Султон асари. 16. Логарифмни нашф этган олим. 17. Мунтазам тўртбурчак. 18. Музиқали саҳна асари. 19. Манзарали парранда. 20. Ҳиндистон бадиий фильми. 21. Ҳамид Олимжон драмаси. 22. «Меҳробдан чаён» асари бош қаҳрамони. 23. Жамоа ҳўжалиги раҳбари. 24. Койнот планетаси. 25. Махсус юз кийими. 26. Мустақил давлат рамзи. 27. Ёзув кўроли. 28. Хусусий болик. 29. Санъат турри. 30. Ромсозлик материал. 31. Экваториал, Африкадаги давлат.

Тузувчи Т. ҒАНИЕВ, Фаргона вилояти Бувайда районидagi 13-мактаб ўқитувчиси.



Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Халқ таълими ва фан ходимлари касабга уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 32-35, нашриёт диспетчер — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.